



FARMATSEVTIKA JURNALI
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ
ЖУРНАЛ

Фармацевтическому журналу – 25 лет!



1

2017

УДК 615.015

Ш.З.Умарова, Х.В.Таиров

ДОРИХОНА АСОСИЙ ВОСИТАЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Аҳоли ва даволаш профилактика муассасаларини сифатли ва самарадор дори воситалар ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш жараёни, дорихона муассасаларининг моддий техника базаси ва унинг техник ҳолати билан бевосита боғлиқдир. Шунингдек, асосий воситалар билан талаб даражасида таъминланганлик дорихона рентабеллигини оширишда алоҳида ўрин тутади.

Мазкур ишда, Тошкент вилояти "Дори-Дармон" АЖ мисолида асосий воситалар таҳлили қилинди. Таҳлил натижаларида асосий воситалар техник ҳолатига баҳо берилди, яроқлилик, эскириш коэффициентлари аниқланди ва умумий кўрсаткичлар асосида ишлатилиш самарадорлиги ҳисоблаб топилди. Таҳлил асосида дорихонанинг асосий воситаларини ишлатилиш самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Таянч иборалар: асосий воситалар, ишлатилиш самарадорлиги, яроқлилик коэффициенти, рентабеллик.

Маълумки, ҳукуратимиз томонидан республикамиз аҳолисини безарар ва самарали дори воситалар ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминланганлик даражасини оширишга қаратилган катор ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Улар ижросини талаб даражасида бажарилишини таъминлаш эса, дорихона фаолиятини тўғри ташкил этиш, савдо молия фаолиятини мунтазам таҳлил қилиб бориш, ички резервларини аниқлаш ва ундан унумли фойдаланиш билан бевосита боғлиқдир. Аҳоли ва даволаш профилактика муассасаларини сифатли ва самарадор дори воситалар ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш жараёни, дорихона муассасаларининг моддий техника базаси ва унинг техник ҳолати билан бевосита боғлиқдир. Шунингдек, асосий воситалар билан талаб даражасида таъминланганлик дорихона рентабеллигини оширишда алоҳида ўрин тутади. Шу муносабат билан, Тошкент вилояти "Дори-Дармон" АЖ фаолияти мисолида дорихоналар фаолиятининг иқтисодий таҳлилини ўтказдик.

Таҳлил учун Тошкент вилояти "Дори-Дармон" АЖ ҳисобот ҳужжатларидан фойдаланилди. Мазкур ишда дорихона асосий воситалари ва уни ишлатилиш самарадорлигини аниқлаш бо-

расида ўтказилган иқтисодий таҳлил натижалари келтирилди.

Асосий воситаларга узок муддат ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиб, натурал ҳолатини йўқотмайдиган воситалар қиради.

Дорихона муассасаларида асосий воситаларининг ўзига хос хусусиятлардан бири, уларни ишлатилиш (фойда келтириш) муддати бўлиб, у бир йилдан ортиқ бўлиши талаб этилади. Асосий воситаларга бино, иншоат, қурилмалар, асбоб ва ускуналар, ҳисоблаш техникалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари билан бирга, кўп йиллик кўчатлар, зотли мол каби объектлар ҳам киритилади.

Иқтисодий таҳлил асосида, асосий воситалар ҳолатига баҳо бериш, ишлатилиш самарадорлигини аниқлаш ва натижаларига кўра уларга бўлган талабни аниқлаш имкони яратилади.

Биз иқтисодий таҳлилни асосий воситаларнинг техник ҳолатига баҳо беришдан бошладик.

Асосий воситаларнинг техник ҳолатини баҳолаш учун таҳлил натижалари 1-жадвалда келтирилди.

Асосий воситаларнинг техник ҳолатини баҳолаш учун яроқлилик коэффициентини (Як) аниқлаш зарур. Бунинг учун ҳисобот даври бо-

1-жадвал

Асосий воситалар техник ҳолатининг таҳлили ва динамикаси

Кўрсаткичлар	Ҳисобот бошида	Ҳисобот охирида
Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати, млн.сўмда	1235,3	1477,2
Эскириш суммаси, млн.сўм.	797,5	871,3
Яроқлилик коэффициенти	0,35	0,41
Эскириш коэффициенти	0,64	0,58
Минерал моддалар манбалари	401	5

шидан асосий воситалар бошланғич қийматидан амортизация суммасини айириб, асосий воситалар қолдик баҳосини аниқладик ва уни асосий воситалар баланс қийматига нисбатан яроклилик коэффициентини чиқардик :

Натижада, яроклилик коэффициенти ҳисобот даври бошига 0,35 ва ҳисобот охирига 0,41 ни ташкил этади. Ушбу коэффициент қанчалик 1,0 га яқин бўлса, ишлаб чиқариш жараёнида шунча янги асосий воситалар ишлатилаётганини билдиради: Таҳлил натижасида Тошкент вилояти "Дори-Дармон" АЖ. да асосий воситаларни янгиланиш динамикасида ижобий силжиш мавжудлиги аниқланди.

Асосий воситаларларни техник ҳолатига баҳо бериш учун яна бир коэффициент – эскириш коэффициенти аниқлаш зарур. Ушбу кўрсаткич амортизация (эскириш)ни асосий воситаларнинг умумий қийматига улушини кўрсатади. Бизнинг мисолимизда бу коэффициент ҳисобот даври бошига:

$$K = 797,5 : 1235,3 = 0,64;$$

ва ҳисобот даври охирига:

$$K = 871,4 : 1477,2 = 0,58;$$

ни ташкил қилди.

Дорихона асосий воситалар ёки мулк ҳолатига баҳо берилганда эскириш ҳолатини энг оптимал варианты 0,5 дан юқори бўлмаслиги талаб этилади.

Дорихона муассасаларининг иктисодий фаолиятини баҳолашда асосий воситалар ишлатилиш даражаси муҳим роль ўйнайди. Ишлатилиш даражасининг ўсиши, дорихона савдо ҳажмининг ўсишига, меҳнат унумдорлигини ортишига, муомала ҳаражатларини пасайишига ва соф фойданинг кўпайишига ижобий таъсир кўрсатади. Ундан ташқари асосий воситалар ўз

вақтида янгиланиши ва маънан эскирган асбоб ускуналардан келадиган зарарнинг камайишига сабаб бўлади.

Асосий воситаларнинг ишлатилиш самарадорлигини таҳлилин умумий кўрсаткичлар билан бир қаторда хусусий кўрсаткичлар бўйича ҳам ўтказилади. Умумий кўрсаткичлар дорихонанинг умумий асосий фонзининг ишлатилиш самарадорлиги бўйича тавсиф берса, хусусий кўрсаткичлар таҳлили асосида алоҳида асосий воситалар гуруҳлари бўйича тасаввур ҳосил қилиш имконини яратади. Асосий воситалар бўйича умумий кўрсаткичларга савдо ҳажмини пул кўринишидаги асосий воситаларини ҳар бир сўмига тўғри келадиган миқдори (фондоотдача) ва аксинча савдо ҳажмининг 1 сўмига тўғри келадиган асосий воситалар қиймати (фондоемкость), фойданинг асосий воситалар қийматининг 1 сўмига тўғри келадиган миқдори (фондорентабельность), асосий воситалар ўртача баҳосини ходимлар ўртача сонига нисбати (фондовооруженность) ва асосий воситалар ишлатилиш самарадорлигига баҳо бериш учун ишлаб чиқилган интеграл кўрсаткичлар қиради.

Тошкент вилояти "Дори-Дармон" АЖ. асосий воситаларини ишлатилиш самарадорлигини аниқлаш учун биз, қуйида келтирилган формулалардан фойдаландик:

$$\Phi_{отд} = P / C_{ав}$$

Бу ерда:

$\Phi_{отд}$ – асосий воситаларини 1 сўмига тўғри келадиган савдо ҳажми;

$C_{ав}$ – асосий фонд пул кўринишида

P – савдо ҳажми

Савдо ҳажмини бир сўмига тўғри келадиган асосий воситалар қийматини қуйидаги формула асосида ҳисобланди:

2-жадвал

Асосий воситаларнинг ишлатилиши самарадорлиги таҳлили

Кўрсаткичлар, млн.сўмда	Ҳисобот йили		Фарк
	бошида	охирида	
Соф фойда	142,9	297,5	154,6
Савдо ҳажми	18812,9	23176,6	4363,7
Асосий воситалар млн.сўмда	1235,3	1477,2	241,9
Фондоотдача	15,2	15,7	0,5
Фондоемкость	0,065	0,063	- 0,002
Фондорентабельность	0,11	0,02	0,09
Асосий воситаларни ишлатилиш коэффициенти	0,33	0,44	0,11

$$\Phi_{\text{СНГ}} = C_{\text{АВ}} / P$$

Бу ерда: $\Phi_{\text{СНГ}}$ – савдо ҳажмининг 1 сўмига тўғри келадиган асосий воситалар қиймати.

Асосий воситаларининг ҳар бир сўмига тўғри келадиган соф фойда қуйидагича ҳисобланди:

$$\Phi_{\text{РЕНТ}} = C \cdot \Phi / C_{\text{АВ}}$$

Бу ерда $\Phi_{\text{РЕНТ}}$ – асосий воситалар ҳар бир сўмига тўғри келадиган соф фойда.

Асосий воситаларини ишлатилиш самарадорлигининг таҳлили 2-жадвалда келтирилди.

Жадвалдан кўришиб турибдики, самарадорлик ҳисобот йилининг бошига нисбатан кўпайган, аммо асосий воситалар сиғим коэффициенти (фондоёмкость) 0,002 га камайган. Бу ижобий тенденция бўлиб, асосий воситаларни ишлатиш самарадорлиги талаб даражасида эканлигини билдиради.

Адабиётлар:

1. Ласкутова Е.Е. Экономика аптечных организаций: учеб./под общ.ру. Е.Е.Ласкутовой – М.-2008. – 428 с.
2. Умарова Ш.З., Таиров Х.В. Дорихоналар фаолиятининг иқтисодий таҳлили/ Фармацевтика журнали. -Ташкент-2016. -№3.-С.8-11.

Sh.Z.Umarova, X.V.Tairov

THE ANALYSIS OF BASIC MEANS OF PHARMACY

The process of supplying population and medical institution with high quality and effective medicines and medical products are directly related to the technical base and technical state of pharmacies. At the same time, to be supplied with basic tools on required demand is considered very essential to improve the profit of pharmacy.

In this article there have been analyzed fundamental means based on JSC "Dori-Darmon" in the Tashkent region. As a result of analysis, the technical conditions of the main tools were evaluated, validity and amortization coefficients were identified and the using efficiency was found by general indicators. Based on the analysis, there have been developed recommendations on improving efficiency of using basic means by pharmacies.

Key words: main tools, using efficiency, validity coefficient, profit.

Ш.З.Умарова, Х.В.Таиров

АНАЛИЗ ОСНОВНЫХ СРЕДСТВ АПТЕЧНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ

Обеспечение населения и лечебно-профилактических учреждений качественными и эффективными лекарственными средствами и медицинскими изделиями связано непосредственно с материально-технической базой аптечных учреждений и их техническим состоянием. Обеспечение основными средствами на уровне требований имеет также особое значение в повышении рентабельности аптеки.

В настоящей работе проведен анализ основных средств на примере АО «Дори-Дармон» Ташкентской области. В результате анализа дана оценка состояния основных средств, определены коэффициенты годности и износа на основе общих показателей определена эффективность их использования.

На основе полученных данных разработаны рекомендации, направленных на повышение эффективности использования основных средств.

Ключевые слова: основные средства, эффективность использования, коэффициент годности, рентабельность.

Тошкент фармацевтика
институту

18.02.2017 й.
қабул қилинди